



ИННОВАЦИЯЛАРНИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАРИ ОРКАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Пўлатов Қаҳрамон Шарифжонович

Тошкент давлат иқтисодий университет, докторант

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 2 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss2/a7	Тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштириш аҳолининг чакана кредитлардан фойдаланиш даражасини ошириш имконини беради. Бу эса, аҳолининг турмуш даражасини оширишда муҳим ўрин тутди ва иқтисодийнинг реал секторини ривожлантиришга хизмат қилади. Мақолада республикаимиз тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган. <i>тижорат банки; чакана кредит; фойз ставкаси; қайта молиялаш ставкаси; даромад; субсидия; инфляция; девальвация; тўловга қобиллик.</i>
KEYWORDS	

Кириш

Тижорат банкларининг чакана кредитлари аҳолининг ижтимоий мазмунга эга бўлган харажатларини ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу сабабли, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кредитлашнинг фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, етарли даражада хизмат кўрсатилмаётган ва заиф қатламларда давлат иштирокини кучайтириш ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни кенг жорий қилиш, камхарж хизмат кўрсатиш нукталари тармоғини ривожлантириш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг ҳажми ва сифатини ошириш заруриятини юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини, шу жумладан, чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Ж.Синкиннинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштиришда кредитли таҳлил, кредит олувчининг кредитлашдаги иштироки, берилган кредитларни қайта таркиблаш, субпрайм кредитлаш муҳим ўрин тутди [2].

Аммо, Ж.Синки тижорат банкларининг ликвидлигини чакана кредитлаш амалиётидаги ролини инобатга олмаган.

О.Лаврушиннинг фикрига кўра, аҳоли кредит олувчи бўлиб иштирок этадиган кредит муносабати истеъмол кредитининг мазмунини ташкил этади ва истеъмол кредити савдо корхоналари томонидан товарларни тўловини кечиктириб сотишда, банклар томонидан истеъмол товарларини сотиб олиш учун ссуда беришда, шахсий мазмунга эга бўлган харажатлар бўйича тўловларни амалга оширишда намоён бўлади [3].

А.Г. Грязнова истеъмол кредитини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан аҳолига истеъмол товарлари сотиб олиш учун, узок мuddат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун бериладиган кредит шаклида ва маиший хизматларнинг тўловини кечиктирилган шакли сифатида қарайди [4].

АҚШ Федерал заҳира тизими истеъмол кредитини жисмоний шахсларнинг молия муассасалари, чакана савдо муассасалари ва бошқа дистрибьютерлар олдидаги товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун берилган ссудалар бўйича қарздорлиги сифатида қарайди [5].

В. Поляков томонидан чакана кредитларга хос бўлган қуйидаги хусусиятлар кўрсатилган:

- *кўп сонли кичик битимларни амалга оширилиши;
- *ички бўлинмаларнинг кенг тармоғини мавжудлиги;
- *банк маҳсулоти ва уни сотишнинг умумлашган кўриниши;
- *банк маҳсулотининг маълум ассортиментта ва сотиш шартларига эга эканлиги [6].

Е.Литвинованинг фикрига кўра, чакана кредитни кўриб чиқишда нафақат унинг истеъмол хусусиятини (жисмоний шахснинг жорий эҳтиёжларини қондириш мақсадида берилиши), балки шахснинг ривожланиш инструменти сифатидаги хусусиятини ҳам инобатга олиш лозим [7].

Ҳақиқатдан ҳам, чакана кредитлар шахсни камол топишида катта аҳамият касб этади. Масалан, таълим кредити бўлмаса кўплаб ёшлар ўқийш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин эди.

Ш.Азимованинг хулосасига кўра, жисмоний шахсларга тақдим этиладиган кредитлар ҳажмини кенгайтириш йўли билан тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш зарур [8].

Фикримизча, республикаимиз тижорат банкларининг чакана хизматлар амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкларининг чакана хизматларини инновациялар асосида такомиллаштириш учун, биринчидан, жисмоний шахсларга чакана кредитлар бўйича буюртмаларни онлайн режимда қабул қилиш ва кредитлаш лимитлари тўғрисида маълумотларни бериш имконини берадиган платформани банклар амалиётига жорий қилиш керак; иккинчидан, AI (artificial intelligence) моделлардан фойдаланишни йўлга қўйиш орқали фойдаланувчиларга digital-каналларга улаиш имконини бериш, операцион рискин бошқариш самарадорлигини ошириш ва чакана банк хизматларидан фойдаланувчилар сонини ошириш зарур; учинчидан, масофавий чакана банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида бир тоифали тўловлар (Peer-to-peer payments),

краудфандинг и краудинвестинг (Equity crowdfunding), Big Data va prognozli modelash (Predictive modeling) kabi mo'ljaviy texnologiyalardan foydalaniшни ijlga kuyish lozim.

Jismoiy shaxslarning mo'ljaviy xizmatlarga bulgan talablarning uzgaretganligi va banklar urtasida raqobatni kuchaytganligi chakana xizmatlar taklifida, shu jumladan, chakana kreditlar taklifida jiddiy uzgariشلarni amalga oshirish zaruriyatini yozaga keltirmoqda. Bu esa, uz navbatida, chakana kreditlar texnologiyalarini uzgartirish zaruriyatini yozaga keltiradi.

Hozirgi davrda xalqaro bank amaliyotida keng qullaniلاtgan va chakana kreditlashning ustuvor iynalishlaridan biri hisoblangan texnologiya bulib, peer-to-peer (P2P) texnologiyasi hisoblanadi.

P2P texnologiyasi asosida kreditlash maxsus internet-saitlar orkali amalga oshiriladi. Mazkur kreditlar kichik biznes subyektlarini va jismoiy shaxslarni kreditlashda keng qullaniლadi.

P2P texnologiyasi asosida kreditlashda foydalanuvchi kredit beruvchi sifatida ham, kredit oluvchi sifatida ham ishtirok etishi mumkin.

P2P texnologiyasi asosida kreditlashning asosiy afzalliklari bulib quyidagilar hisoblanadi:

- foyda meъirining nisbatan yuqori ekanligi, yaъni, jalb kilingan depozitlar hisobidan beriladigan kreditlarning daromadlilikidan yuqori ekanligi;

- banklarning bозор stavkalarida beriladigan kreditlaridan foydalaniш imkoniga эга bulgan mijozlarni kreditlash imkonini beradi;

- P2P-kreditlash kuproq ijtimoiy ahamiyatga эга;

- mijozlarga xizmat kursatish sifati va tezligini oshirish imkonini beradigan texnik innovatsiyalarga asoslangan .

Tijorat banki u ёki bu chakana kredit maxsulotini ishlab chikishdan oldin ushbu maxsulotning bозорini urganadi. Chakana kredit maxsuloti bозорini urganishda tijorat bankini asosan quyidagi parametrlar kiziktiradi:

- * chakana kreditga bulgan talab miqdori;

- * chakana kreditning taklif kilinadigan baъosi;

- * chakana kreditning mudдати;

- * chakana kreditlarning bозорdagi urtacha baъosi.

Mijoz kredit summасini tez fursatda olishdan manfaaddor bulganligi sababli, banklar ularning texnologik jaarёnlarida minimal maълumotlarga asoslangan bulajak qarз oluvchilarning kredit kobiliyatini baъolashning soddalaştirilgan tizimini takdim etishga majburdirлар. Suralaётgan kreditlarning kichik haъmi va ularni takdim etishning standart shrtlari banklarga chakana kreditlarni boшqariшda portfel ёndashuvlarini qullash, bunday kreditlarni bir хil portfelларga birлаштириш va risklarni umumiy asosda baъolash imkonini beradi. Banklar tomonidan takdim etilaётgan kreditlarning жорий sifatinин baъolash, asosan, qarз oluvchilarning mo'ljaviy холатинин baъolash asosida emas, balki ularning olingan kreditni kайтариш холатига караб amalga oshiriladi. Tulov intizomi бузилган тақдирда, кредит дастлабки портфельдан чиқариб ташланади ва келажакдаги iуқотишларни коплаш учун захира коэффицентлари анча юқори bulgan бошқа портфельга утказилади.

Bank raқamli platformasidan foydalaniшda bugungi kunga келиб энг оммалашиб бораётган, амалаётда муваффақиятли fойдаланилаётган тизим бу "Mobile banking" иловалариди. Бунинг asosiy сабаби "Mobile banking" иловаларидан fойдаланиш учун биргина мобил телефон (планшет)нинг ўзи kifойадир. Мобил телефон (планшет) эса bugungi kunda энг кўп тарқалган IT курилмаси ва уни интернет тармоғига улаш кулай ҳамда арзондир.

Hozirgi davrda elektron tulovlar va бошқа raқamli bank xizmatlarini kursatish soҳasida мобил bank иловалари билан рақобатлашиб, жадал оммалашаётган электрон тизим sifatiда турли tulov provayderlari faолият юритиб келмоқда.

Аmmo, tulov provayderlari иловаларига караганда мобил bank иловаларининг fойдаланувчилари учун ҳам tulov oluvchi, ҳам қабул килувчи томонлар учун трансчегравий tulov vositalarini қullashни ва ularдан мақбул fойдаланиш учун жараёнларни созлашни urganish кийин ва кўп вақт талаб этмоқда.

Globalлашув va тармоқлараро интеграциялашув шароитида xизmat турларининг янги замонавий инновацион шакллари va raқamli platformalar кенгайиб бормоқда. Xизmat kursatish soҳasi vakillari ular ёрдамида ўз xизmatlarini жаҳон миёсига олиб чиқиш, fойдаланувчи mijozlar sonini чексиз oshirish

imkoniyatlarga эга bulishмоқда. Айниқса, ижtimoiy-иктисодий жараёнлар ҳамда муносабатларда инновацион raқamli platformalarning roli тобора oшиб бормоқда. Jumladan, Google, Yandex, Amazon, Gov.uz, Olx va бошқа platformalar шулар jumlasidan.

Bularning барчасига замонавий ахборот технология (IT)лари va ularning дастурий таъминоти soҳasidaги илмий-техник taraққиёт ютуклари orkali эришилмоқда.

Taraққиётning bugungi davrida aҳoliniнg online муносабатларида raқamli bank xizmatlarининг roli ҳам oшиб бормоқда. Чунки, aҳоли кундалик эhtiёжларини кондиришда bevосита raқamli bank xizmatlarидан fойдаланади.

Raқamli iktisodiy шароитида, aҳoliniнg tulov xizmatlarини amalga oshirishida янада кулайликлар яратиш мақсaдида, интернетning турли platformalarida "электрон ҳамён"лар яратилди. Jumladan, mintakaвий va global электрон хамёонларning умумий кўриниши Хиндистон, Хитой va Лотин Америкасида MENA тизими қамаиб олган, ularга Google Pay, Apple Pay, Yandex. kompaniyalar маълумотлари киради. Шунингдек, Money, Fitbit, Samsung Pay, Alipay.

Online tijorat va тармоқлараро интеграциялашув жараёнларининг кенгайиб бориши масофадан туриб, реал вақт оралиғида amalga oshirishga bulgan талаб oшиб бормоқда.

2. Tijorat banklarининг ipotekali kreditlash amaliyotini takomillashtirish uchun, birinchidan, birламчи uy-joy бозоридан хонадон харид килиш учун берилаётган ипотека кредитларининг foиз stavkasини учдан бир қисmini davlat маблағлари ҳисобидан бонификация килиш amaliyotини жорий килиш керак; иккинчидан, ипотека кредитлари ҳажмини ularning foиз stavkalarини паст va барқарор даражасини таъминлаш orkali oshirish uchun, birinchidan, ипотека кредитларини қайта молиялаш механизмининг davlat томонидан қullаб-қувватлаш механизмининг жорий килиш керак; иккинчидан, Марказий банкнинг қайта боғлиқ bulgan siёсати va davlatningбуджет siёсатини мувофиқлаштириш lozim; учинчидан, mo'ljaviy resurslarning инфляция va девальвация таъсирида oшиб кетишининг олдини олиш зарур.

Ushbu taklifning amaliyotga tatbiki natijasida, birinchidan, birламчи бозорда харид килиш учун берилadigan ипотека кредитлари ҳажми oшади va бунинг natijasida янги uy-joyлар sonи кўпаяди; иккинчидан, banklarning ипотека кредитлари билан боғлиқ bulgan kredit riskи даражасини пасаяди. Чунки, ипотека кредитлари foизининг учдан бир қисми davlat томонидан кафолатланган тарзда tijorat banklarига tulaб берилadi.

3. Kredit riskини бошқариш amaliyotини инновациялар asosida takomillashtirish orkali kredit riskи даражасини пасайтириш мақсaдида kredit riskини бошқаришнинг хамолавий усулларини amaliyotga жорий килиш lozim.

Taraққий etgan mamlakatларning bank amaliyotида kredit riskини бошқаришнинг quyidagi замонавий усулларидан кенг fойдаланилмоқда:

- *Kredit riskини хеджирлаш усули.

Kredit riskини хеджирлашнинг quyidagi instrumentlari mavjud:

- * kreditli defoltni swap (credit default swap);

- * kreditli defoltni opsiон (credit default option);

- * kreditli spread opsiон (credit spread option);

- * ялпи daromadga swap (total return swap);

- * kreditli notalar (credit notes).

Kreditli defoltni swap – бу икки tomonлама mo'ljaviy shartнома bulib, unda tomonlardan biri (kredit химоясини сотиб oluvchi) иккинчи tomonга (kredit химоясини сотувчига) doимий tulovларни amalga oshiradi. Ushbu doимий tulovлар kredit ходисаси юз берганда оlinadigan tulov учун килинади.

Tulov сотувчи tomonидан қабул килиnadigan kredit riskи учун мукофот vazifасини бажаради.

Kreditli defoltni swapда kredit ходисаси deganda kredit oluvчининг tulovга noқobil bulib қолиши va банкротлиги тушунилади. Lekin айрим ҳолларда kredit олган kompaniyaning kredit reytingини пасайиши ҳам kredit ходисаси sifatiда баҳоланади.

Kreditli defoltni swapда tulov miqdori, odatда, nominalга nisbatan маълум foиз кўринишида белгиланади.

Kreditli defoltni swaplar asosida aloҳида olingan bitта kredit ёki obligatsiya bulishi ёki бутун бошли kreditlar savati bulishi mumkin.

Кредитлар савати асосида тузилган кредитли дефолтли своп шартномалари саватли дефолтли своплар (basket default swaps) дейилади.

Кредитли дефолтли опцион бўйича тўловлар фақатгина кредит ҳодисаси юз берганда амалга оширилади.

Кредит опционлари бозори кредит химояси бозори иштирокчиларини химоя қилишга мўлжалланган. Шунинг учун ушбу бозорда фақат сотиш бўйича опционлар мавжуд.

Кредит опционини ижро этиш муддати, одатда, кредитни қайтарилиш санаси ҳисобланади.

Кредитли спрэд опцион – бу шартнома бўлиб, эгасига маълум бир активни олдиндан ўрнатилган кредитли спрэд билан сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини беради, лекин унга сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини юкламайди.

Кредитли спрэд опционлари кўрсатилган активни белгиланган баҳода маълум давр мобайнида ёки аниқ санада келгусида сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини беради.

Кредитли спрэд опционларида ижро баҳоси (страйк баҳо) LIBOR ставкасига нисбатан ўрнатилган спрэд шаклида бўлади. Аммо, 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб LIBOR ставкаси АҚШ долларидан бошқа етакчи валюталарга нисбатан белгиланмайдиган бўлди.

АҚШ доллари бўйича LIBOR ставкаси 2022 йил 30 июнгача белгиланади. Кейин бошқа эталон кўрсаткичга ўтилади.

Ялпи даромадга своп – бу икки томонлама молиявий шартнома бўлиб, у орқали кредит rischi бир томондан иккинчи томонга узатилади.

Ялпи даромадга свопнинг деривативлар бозорининг бошқа инструментларидан фарқ қиладиган асосий жиҳати – контрагентлар иқтисодий рискларнинг барча турлари билан ўзаро алмашинади.

Ялпи даромадга своп шарти бўйича сотиб олувчи, яъни тўловчи сотувчи базавий актив бўйича даромадларнинг тўлиқ суммасини тўлаб беради. Бунда даромадларнинг тўлиқ суммаси облигациялар бўйича фоизли тўловларни, акциялар бўйича дивидендларни ва уларнинг қийматини ўзгариши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай тўловларни ўз ичига олади.

Ялпи даромадга своп бўйича тўловлар кредит ҳодисаси юз беришига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Кредитли ноталар – бу купонли облигациялар ва кредитли опционларнинг уйғунлашувига асосланган молиявий инструментдир.

Кредитли ноталар келишуви бўйича сотувчи шартнома муддати мобайнида даврий тўловларни амалга ошириб бориш мажбуриятини олади. Аммо, ушбу тўловлар миқдори қарздор компания дефолтга учраганда маълум пунктга камайтирилиши мумкин.

Кредитли ноталар шартномаси бўйича инвестор эмиссион ташкилотдан (кредит олган компания ёки махсус траст фонди) нотани сотиб олади. Эмитент нотани сотишдан олинган пул маблағларига биринчи тоифали қимматли қоғозларни сотиб олади.

Дефолт ҳолати юз берганда инвесторга қоплаб берилиши керак бўлган сумма маълум миқдорга камаяди.

Ушбу операцияларда асосий ролни ташкил қилувчи банк ўйнайди. Банк нотанинг эмитентига, эмитент эса, инвесторга спрэдни тўлаб беради. Ушбу тўлов дефолт билан боғлиқ тўловлар билан алмашилиш сифатида баҳоланади.

Шунингдек, овердрафт шаклида бериладиган кредитларнинг риск даражасини пасайтириш мақсадида кредитлаш лимитини белгилаш тартибини такомиллаштириш ва кредит шартномаси орқали мижозга ҳар ойнинг сўнгги иш кунида талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобрақамининг кредитли қолдигини таъминлаш мажбуриятини юклаш керак.

Овердрафт кредитлаш шаклида кредитлаш лимити, одатда, бир йилгача муддатга ажратилади. Халқаро банк амалиётида овердрафт кредити бўйича кредитлаш лимитини белгилашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- мижознинг жорий ҳисобрақами бўйича ўртача ойлик кредитли айланма;
- мижознинг жорий ҳисобрақамидаги ойлик камаймайдиган қолдик;
- ҳафтанинг беш иш куни мобайнидаги ўртача тушум;
- бир ой давомида берилган овердрафт кредитлари миқдори.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги шароитида овердрафт кредитлаш шаклидан фойдаланиш юқори riskли ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилмоқда ва бунда устуворлик қорхоналарнинг давлат бюджети олдидаги қарздорлигини тўлашга қаратилмоқда;

иккинчидан давлат солиқ инспекцияларига солиқ тўловларни аванс тарикасида ва солиштириш далолатномасиз ундириш ҳуқуқи берилган.

Тижорат банклари фаолиятида овердрафт шаклида кредитлаш жараёнида юзага келадиган кредит rischi даражасининг ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида, биринчидан, кредит олган мижоз ҳар ойнинг сўнгги иш кунида жорий ҳисобрақамнинг кредитли қолдиққа эга бўлишини таъминлаш лозим; иккинчидан, иш ҳақи бўйича тўловларнинг кечикишига йўл қўймаслик зарур.

Пластик карталар эгаларини банклар томонидан овердрафт шаклида кредитлаш жараёнида юзага келадиган кредит riskлари билан бир вақтнинг ўзида операцияни riskка ҳам эътибор қаратиш талаб этилади. Бунинг сабаби шундаки, операцияни risk даражасининг ошиш эҳтимоли овердрафт кредитлаш шаклида нисбатан юқоридир. Чунки, овердрафт таъминланмаган кредит бўлиб, мижозни кредитлаш лимитини катта миқдорда ошириш имконияти мавжуд.

Тараккий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, кредит riskини бошқариш амалиёти такомиллашган шароитда, овердрафт кредити тижорат банклари учун юқори даромад келтирувчи актив бўлиб ҳисобланади. Лекин, бошқа томондан, овердрафт кредити реал таъминотга эга бўлмаган юқори riskли актив ҳисобланади. Бу эса, кредит riskини бошқаришнинг долзарблигини оширади.

4. Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг даромадлиги ва riskлиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали чакана кредитлар ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш зарур.

Тижорат банкларининг чакана кредитлари бўйича даромадлари билан жалб қилинган ресурслари бўйича харажатлари ўртасидаги мутаносибликни баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичдан фойдаланилади:

*соф фоизли маржа кўрсаткичи;

*соф фоизли спрэд кўрсаткичи.

Халқаро тикланиш ва тараккийёт банки экспертлари томонидан юқоридаги икки кўрсаткич учун қуйидаги метъерий даражалар тавсия этилган:

*соф фоизли маржа кўрсаткичи учун – 4,5 %;

*соф фоизли спрэд кўрсаткичи учун – 1,25 %.

Тижорат банклари ресурсларининг етарлилигини баҳолашда асосий эътибор депозитларнинг етарлилигига ва капиталнинг етарлилигига қаратилади.

Тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолашда Базель қўмитасининг тижорат банкларининг етарлилигига нисбатан белгиланган икки талабидан фойдаланилади:

*регулятив капиталнинг етарлилиги;

*биринчи даражали капиталнинг етарлилиги.

Бизнинг тақлифимизда тижорат банкларининг қорхоналарнинг устав капиталига қилинадиган инвестициялари ҳажмини ошириш кўзда тутилган. Бунда, тижорат банклари ҳиссали иштирок шаклидаги инвестициялар ҳажмини ошириш учун мазкур инвестицияларнинг даромадлиги ва riskлигидан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилишлари керак.

Ҳиссали иштирок шаклидаги инвестицияларнинг даромадлигини баҳолашда капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Халқаро амалиётда умумэътироф этилган мезонга кўра, капиталнинг рентабеллигини метъерий даражаси 15 фоизни ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари бир-бирининг устав капиталда иштирок этишдан манфаатдор эмас. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банки бошқа банкнинг оддий акцияларини сотиб олса, унинг биринчи даражали капитали ана шу суммага камайд.

Тижорат банклари ҳиссали иштирок шаклидаги инвестициялар ҳажмини ошириш учун эмитент қорхоналарнинг тўловга қобиллигига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Чунки, бир қатор эмитент қорхоналарнинг тўловга қобиллик ва молиявий барқарорлик даражаси паст.

Тўловга қобиллик даражаси паст бўлган қорхонада тўлов мажбуриятларини бажара олмаслик хавфи юқори бўлса, молиявий барқарорлик даражаси паст бўлган қорхона оддий акцияларга инвестор учун қулай фоизда дивиденд тўлай олмайди.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг депозит базасига ташқи омилларнинг таъсири кучлидир. Масалан, инфляция даражаси ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръати тижорат банкларининг депозит базаси барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар ҳисобланади. Хусусан, инфляция даражаси ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори бўлиши юридик ва

жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари ва омонатларининг реал қийматини ва улардан олинган фойзли даромадларнинг реал қиймати пасайишига олиб келади.

2020 йилнинг март ойида қабул қилинган короновирус пандемиясига қарши карантин чоралари аҳолининг даромад даражасини пасайишига олиб келди. Бу эса, уларнинг пул маблағларини банкларнинг муддатли омонат ҳисобрақамларига жалб этиш имкониятини торайтирди. Бунинг устига, 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача бўлган даврда тижорат банкларининг миқдорларига кредит таътили берилди, яъни улар ушбу давр мобайнида кредитлар бўйича тўловларни амалга оширмайдиган бўлдилар. Бу эса, тижорат банкларининг депозит базаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатди.

5. Тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида барқарор ресурс манбаларининг салмоғини ошириш йўли билан чакана кредитлар ҳажмини ошириш лозим.

Илгир хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижалари кўрсатадики, муддатли ва жамғарма депозитларининг 80 фоизидан ортиқ бўлмаган қисмини кредит сифатида жойлаштириш ва қолган қисмини юқори ликвидли молиявий инструментларни сотиб олишга йўналтириш тижорат банклари активларининг ликвидлиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашнинг зарурий шарт ҳисобланади.

Кредитлар юқори рискли актив бўлганлиги сабабли жалб қилинган депозитларнинг ҳаммасини кредит сифатида жойлаштириш трансформация ва ликвидлик рисклари даражаларини кескин ошиб кетиш эҳтимолини юзага келтиради. Бундай шароитда жалб қилинган депозитларнинг бир қисмини юқори ликвидли молиявий инструментларга, яъни юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилиш тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш ҳамда ликвидли активлар билан рискли активлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш нукта-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

Халқаро банк амалиётида юқори ликвидли қимматли қоғозлар сифатида қимматли қоғозларнинг қуйидаги турлари тан олинади:

*Хукуматнинг қимматли қоғозлари;

*Марказий банкнинг қимматли қоғозлари;

*тўлови давлат томонидан қафолатланган корпоратив қимматли қоғозлар.

Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражасини таъминлаш жалб қилинган депозитларнинг кредитли трансформациясини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорини ошишига олиб келади; иккинчидан кредитлар юқори рискли актив бўлгани ҳолда, тижорат банклари активларининг таркибида юқори салмокни эгаллайди; учинчидан, кредит операцияларини молиялаштиришнинг асосий манба бўлиб, депозитлар ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикаимиз иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида тижорат банклари депозитларининг кредитли трансформациясига кучли таъсир қилувчи қуйидаги ташки омиллар мавжуд:

*миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг нисбатан юқори эканлиги;

*аҳолининг инфляциян кутилмасининг салбий эканлиги;

*аҳолининг девальвацион кутилмасининг салбий эканлиги;

*аҳолининг сезиларли қисмида даромад даражасининг паст эканлиги;

*тижорат банклари кредитларининг фойз ставкаларини юқори эканлиги.

Фикримизча, тижорат банкларининг депозит базасини барқарорлигини таъминлашнинг Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Марказий банкнинг молиявий қўллаб-қувватлашсиз амалга ошириш қийин. Ушбу молиявий қўллаб-қувватлаш қуйидаги тадбирларни кўзда тутиши лозим:

*инфляциянинг паст ва барқарор даражасини таъминлаш;

*миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини пасайтириш;

*коронавирус пандемияси туфайли муддатида қайтмаган кредитларни қайтаришда тижорат банкларига қўмаклашиш;

*аҳоли даромадларини узлуксиз ошириб бориш сиёсатини давом эттириш;

*хўжалик юритувчи субъектларнинг соф фойдаси даражасини ошириш масадида таннархнинг маҳсулотларни сотишдан олинган тушум ҳажмидаги салмоғини пасайтириш;

*монетар сиёсатнинг тижорат банкларинг депозит базаси барқарорлигини таъминлашдаги ролини ошириш.

Тижорат банклари томонидан муомалага чиқариладиган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

*миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини ва инфляция даражасини пасайтириш орқали тижорат банкларига ўз қимматли қоғозларига инвесторлар учун мақбул ставкада фойз тўлаш имкониятини яратиш керак;

*соф фойзли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш асосида қимматли қоғозларга фойзларни ўз вақтида тўлашини таъминлаш лозим;

*банкларнинг жорий ликвидлигини таъминлаш орқали қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни инвесторларга ўз вақтида ва тўлиқ тўлашини таъминлаш керак.

Республикаимиз тижорат банкларида соф фойзли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш учун, биринчидан, муддатли ва жамғарма депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини ошириш керак; иккинчидан, тижорат банклари томонидан трансакцион депозитлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланишни таъкидлаш керак; учинчидан, кредитларнинг даромадлиги билан депозитларнинг харажатлиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим.

Банкларо кредитлар тижорат банклари учун нисбатан қиммат ресурс ҳисобланади. Шу сабабли, банкларо кредитларнинг ресурслар ҳажмидаги салмоғининг юқори бўлиши тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Бунинг устига, республикаимиз иқтисодиётига хориждан жалб қилинган кредитларнинг асосий қисми сузувчи ставкаларда жалб қилинган. Бу эса, халқаро кредитларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни кескин ошиб кетиш хавфини юзага келтиради.

Банкларокредитларнинг тижорат банкларининг ресурслари ҳажмидаги салмоғини пасайтириш учун ички ресурс манбаларининг, яъни муддатли депозитлар, жамғарма депозитлар, регулятив капитал ва қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг ресурслар ҳажмидаги салмоғини ошириш лозим.

Шу ўринда, эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари капиталининг етарлигига нисбатан белгиланган талабларни оширилганлиги регулятив капиталнинг ресурслар ҳажмидаги салмоғини ошишига олиб келади.

6. Жисмоний шахслар бўйича банкнинг соф фойзли маржасининг меъёрий даражасини таъминлаш имкониятидан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслар депозитларининг умумий ҳажмида муддатли омонатлар салмоғини ошириш керак.

Ҳозирги даврда республикаимиз тижорат банклари талаб қилиб олинадиган депозитлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланишмоқда. Бунинг натижасида банкларнинг соф фойзли спрэд коэффициентининг реал даражасига баҳо бериш қийин бўлмоқда. Чунки, соф фойзли спрэд коэффициентини аниқлаш методикасида талаб қилиб олинадиган депозитлар суммаси ва унга ҳисобланган фойзларни ҳисобга олишга рухсат этилмайди.

Тижорат банклари ресурс базасининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида, биринчидан депозитларнинг барқарор қолдиғини брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 75 фоиздан кам бўлмаган барқарор даражасини таъминлаш лозим; иккинчидан, аҳолининг муддатли омонатларининг тижорат банки ресурс базасининг умумий ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасини таъминлаш керак; учинчидан, тижорат банкларининг облигациялари, депозит ва жамғарма сертификатларини сотишдан олинган пул маблағларининг банк ресурсларининг умумий ҳажмидаги салмоғини ошириш зарур.

Reference:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 611.-627.

-
3. Деньги, кредит, банки : учеб. / под ред. О. И. Лаврушина. – 13-е изд., стер. – М. : КНОРУС, 2014. – 448 с.
 4. Финансово-кредитный энциклопедический словарь / под ред. А. Г. Грязновой. – М. : Финансы и статистика, 2002. – 1168 с.
 5. Савинов, О.Г. О Многообразии форм кредита физическим лицам / О.Г. Савинов // Вестник Самарского государственного экономического университета. – 2012. – № 6 (92). – С. 91-95. – ISSN 1993-0453.
 6. Поляков, В.В. Розничные банковские услуги: продуктивный подход : учебник / В. В. Поляков. – Иркутск : Издательство БГУЭП, 2011. – 159 с. – ISBN 978-5-7253-2419-8.
 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//www.lex.uz
 8. Ипотека кредитлари//www.cbu.uz